*Қонун ва тақдир*

# БАҒРИКЕНГЛИК

## У АДОЛАТ ТАНТАНАСИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Халқимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этаётган бугунги кунда юртимизда қонунга нисбатан ишонч-эътибор тобора ортиб бормоқда. Зотан, қонунчилик ва уни ҳаётга татбиқ этишда адолат мезон сифатида белгилаб берилган экан, бу йўлда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий мевалари ҳам фикримиз далилидир. Республика Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузасида шундай деган эди: **“Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур”.**

Юртбошимизнинг ана шундай қатъий таклифи билан жиноий жазони либераллаштириш ва одиллаштириш мақсадида Жиноят Кодексига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ана шундай ўзгартиришларга кўра жамиятга унча хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахсларга нисбатан жазо чораларини енгиллаштириш тадбирлари кўрилди. Президентимиз мазкур масалага ҳам одилона ёндашиб, **“Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан умумий авф тўғрисида”**ги Фармонини қабул қилди. Бу Фармон суд тизимининг ҳукм чиқариш борасидаги муаммоларни ижобий ҳал қилишда ўзига хос ўрин тутади. Илгари суд залидан жазо муддатини олган шахсларнинг қариндош-уруғларини хафа бўлиб чиққанини кўрган бўлсак, энди эса умумий авф қароридан кейин фуқароларнинг ўша залдан чексиз қувонч билан чиқиб кетишаётганини кўриш кишига ўзгача сурур бағишлайди.

Мана, бир мисол: яқинда ўғирлик жинояти билан айбланган Мамасиддиқ Салимов, Ҳасанбой Маматқулов, Валижон Абдуллаев, Нодирбек Мамадалиев, Абдулла Туронов, Зокиржон Жумабоев, Акрамжон Охунжоновларнинг иши судда қайтадан кўриб чиқилди. Илгари судда ўғирлик жинояти содир қилганлари учун Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилиб, ҳар бири уч йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум этилган эди.

Улуғнор туманидаги “Дўстлик” ширкатлар уюшмасига судланувчилар томонидан етказилган зарар 879 минг 795 сўм маблағ уларнинг қариндошлари томонидан ундирилиб, зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинди. Олдин чиқарилган Фармонга асосан озодликдан маҳрум этиш жазоси бекор қилиниб, айбдорлар суд залидан озодликка чиқарилди. Суд залида янграган авф тўғрисидаги жарангдор сўзлардан судланувчилар ва уларнинг орқасидан турган қариндош-уруғларнинг кўзларида севинч ёшларни кўриш мумкин. Бу кўз ёшларида мавжланган қувончда адолатга ишонч, инсонпарварлик учун миннатдорлик, ҳаёт чорраҳаларида адашиб ташланган қадамдан пушаймонлик, қонун устуворлиги, сўз билан иш бирлигининг амалдаги исботини кўрса бўлади. Озодлик нашидаси ва сururидан баҳраманд бўлган фуқароларнинг тақдири қонун ва авф туфайли бутунлай изга тушиб кетади, деган фикрдамиз.

**Мансурбек АБДУХОЛИҚОВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Акс-садо*

# ҚОТИЛЛИККА УНДАГАН РАШК

Рашк қилиш меъёрида бўлса, албатта, буни тушуниш мумкин. Чунки инсон тугул бошқа жонзотлар ҳам ўзининг жуфтиини бегоналардан қизғанади ва баъзи ҳолатда жонини бериб бўлса ҳам уни ҳимоя қилади. Рашк ҳаддидан ошиб кетса, унга на панду насиҳат, на бошқа йўл-йўриқ кор қилмайди. Ҳамкасбим Маъмур Мусурмоннинг газетанинг ўтган сонида “Рашк балоси” мақоласини ўқиб, ушбу воқеани битишга жазм қилдим.

Лўғумбеклик Асқар Тошбоев ҳам хотини Замира Исмоилова билан турмуш қураётганда “сени кафтимда олиб юраман” дея бир олам ваъдалар берган эди. Аввалига яхши яшашар ва бир-бирига суяниб, ҳаётнинг унча-бунча аччиқ-чучугини бирга баҳам кўришарди. Нима бўлди-ю, куёв бола оғзига озгина арoқ олгудек бўлса, ўзини шердек тутадиган қилиқ чиқарди. Албатта, шу билан тинчиб қолса-ку, ҳеч кимнинг у билан иши йўқ. Лекин оилада ўзидан-ўзи ҳар хил баҳоналар билан жанжал чиқаришни одатга айлантирди. Бунинг устига ўзи ўта қизиққон, сиркаси сув кўтармайдиганлар хилидан бўлиб, турмуш қурганига беш-олти йил бўлганига қарамасдан орада неча марта қўйди-чиқди бўлиб ўтди. Ҳатто бир марта хотинига “уч талоқ” бериб, шариат ҳукмига биноан унинг жавобини берди. Шунда ҳам ота-оналар ва бошқа қариндош-уруғнинг аралашуви билан оиланинг бузилиши сақланиб қолди. Кейин ҳам кўзи очилмаган Асқар Тошбоев Замирани бўлар-бўлмасга тергайвериб, рашк қилиш одатини чиқарди. Оилавий борди-келди қиладиган энг яқин бир дўстидан хотинини қизғаниб, қасд олишни кўнглига тугди.

Кунларнинг бирида Замира ишхонаси олдида эрининг кутиб турганидан ҳайрон бўлмади. “Яна ярашайлик, деб келибди-да”, деб ўйлади ичида мамнун бўлиб. Нима қилсин, кўз очиб кўргани бўлса, бир тарафдан бола-чақасини ҳам ўйлаб, эрининг кўнглини ранжитгиси келмади. Шунинг учун ҳам ўзи эри билан кўришди, унинг таклифини тўғри маънода қабул қилиб, кира қилинган “Москвич” автомашинасига ўтирди.

— Бир жойга бориб келамиз, сенда зарур гапим бор, — деди у Замиранинг хумор кўзларига суқланиб термуларкан.

— Бўпти, сиз шуни хоҳлаган бўлсангиз бораверамиз, хўжайин, — деди очиқ кўнгил билан табиатан ҳазилга ўч Замира.

“Москвич” автомашинаси “Пойтуғ-Лўғумбек” йўналиши бўйича кетаётганини кўрган Асқар ҳайдовчидан тўғри йўл билан эмас, балки «Катта Фарғона» канали бўйлаб юришни илтимос қилди. Замиранинг кўнглига заррача ёмонлик келмади. Бунинг ўрнига сув бўйлаб ғир-ғир шабода эсиб турган бир пайтда ўртадаги гина-кудуратни бир қадар унутгандек бўлди. Ҳайдовчи сув бўйидаги Асқар айтган хилватроқ жойда машинани тўхтатди. Эр-хотин машинадан тушиб қолишди.

Секин ва жим-жит оқаётган сув бўйида бир пас ширин суҳбат қурсак керак, анча-мунча турмуш икир-чикирларини ғаллашиб олсак керак, деган хаёлга берилган Замиранинг кўкрагига тўсатдан пичоқ санчилди. Аёл жон ҳолатда икки қўли билан пичоқни маҳкам тутди. Пичоқни суғураётганда бармоқлари кесилиб кетди. Замиранинг кўзларидаги тириклик нури сўниб, ерга беҳол йиқилди. Қотил эр бир пайтлар ўзи ўпиб тўймаган хотини бўйнига икки-уч марта пичоқ урди. Жон таслим қилган танани шоша-пиша судраб каналга ташлаб юборди.

Нобакор эр энди қотиллик изини яшириш режасини тузди. Ҳалиги пичоқ билан бир-икки жойига енгил жароҳат етказиб, ўзини ҳам каналга ташлади. Ҳийлагарликни қарангки, каналнинг четидан ўсиб чиққан дарахт илдизига осилиб олиб, атрофга “Вой дод, ёрдам беринглар, қутқаринглар” деб бақира бошлади. Шу атрофда далада ишлаб юрган Адҳам Қоратоев ва Абдусамат Остоновлар бақириқ овозини эшитишиб ёрдамга келишади. Асқарни сувдан тортиб олиб, дарҳол жароҳатини боғлашгандан сўнг “Тез ёрдам”ни чақиришади.

У ўзи тузган “хомаки режа” билан сувдан қуруқ чиқаман, деб ўйлади. Сурбет ва номард эр “бу ишда хотинимнинг жазман, ўйнашларининг қўли бор”, деб кўрсатма берди. Аммо у Избоскан туман прокуратурасининг терговчиларини чалғита олмади. Ҳамма кўрсатмалар ёлғон экани аниқланди. Ниҳоят, у ўзининг қилмишига иқрор бўлди. Охир-оқибат ўн беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Рашк туфайли қотиллик ёки жиноятга қўл уриш ўта кетган жоҳилликдан бошқа нарса эмас. Бизнинг замондан илгари ҳам рашкчи эрлар бўлган. У хотинидан шубҳаланса, елкасига тўнини ташлаб индамай уйдан чиқиб кетган ва унга нисбатан бутун нафратини шу йўл билан ифодалаган. Шунинг ўзи ҳам хотин зотига жуда оғир жазо саналган. Тўғри, хиёнатни кечириш жуда қийин. Лекин бунинг қотилликдан ҳам бошқа бирон-бир чораси йўқмикан?

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

# НАВРЎЗ НИЯТИ

*Тўйхат*



*Биз — қаламкашлар одатда жуда кўп одамлар ҳақида мақолалар ёзамиз. Қаҳрамонларимиз орасида деҳқондан тортиб, академиккача борлиги ҳам рост гап. Лекин ўзимиз, тўғрироғи, ҳамкасбларимиз ҳақида ёзишга келганда қаламимиз “оқсаб” қолади. Тўғрисиям шу-да, ёнингда юрган одам ҳақида ҳамма нарсани биласан, жуда бўлмаганда, биламан, деб ўйлайсан. Ана шу сафдошинг ҳақида бирор нарса ёзишга келганда эса нимани ёзишни, қандай ёзишни билмай қоласан.*

*Бир неча йилдан буён таҳририятимизда Наврўзи олам қўшалоқ байрам сифатида нишонланади. Чунки ҳамкасбларимиз, иқтидорли ёзувчи, моҳир журналист Ражаббой Раупов ва жонкуяр публицист Абдулла Собировлар айни мана шу қутлуғ айём арафасида дунёга келганлар. Ҳар иккала ҳамкасбимизни ҳам муштарийларимиз яхши танийдилар. Уларнинг танқидий-таҳлилий мақолалари билан газета саҳифаларида кўп бор учрашганлар. Биз уларни бугун Навруз айёми ва таваллуд кунлари билан чин дилдан қутлаймиз. Илҳомлари янада сарбаланд бўлишини истаб қоламиз.*

*Айтадиларки, Навруз арафасида айтилган барча тилаклар амалга ошар экан. Биз ҳамкасбларимизга жамоамиз ва муштарийларимиз номидан бир ният билдирамиз: улар юзга кириб Ражаббой бобо ва Абдулла бобо бўлганларида ҳам бизга тўйхат ёзиб, қутлаш насиб этсин.*



**ТАҲРИРИЯТ**


Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

«Асака банк»нинг Бухоро вилоят бўлими барча юртдошларимизни НАВРЎЗ байрами билан самимий қутлайди.




«Тадбиркорбанк» жамоаси Ўзбекистон халқини НАВРЎЗ байрами билан муборакбод этади. Дастурхонингиздан қут-барака аримасин, азиз юртдошлар!

Азиз юртдошлар!



Барчангизга янги кун — НАВРЎЗ айёми қутлуғ бўлсин. Баҳорий кайфият Сизни асло тарк этмасин.

«НАВОЙИ-НОН» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси

«БУХОРО-НОН» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси



Миллий байрамимиз — НАВРЎЗ билан халқимизни қутлайди. Элимизга кўтаринки кайфият тилаб, дастурхонимиз ҳамиша ноз-неъматга тўлиб туришини истайди.


*Ҳар кимки ёмон бўлса...*

# АЁЛЛАР НЕГА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРАДИ?

Аёллар эркакларга нисбатан табиатан нозик ва кўнгилчан бўлади. Шунинг учун ҳам аёллар доимо эркакка муҳтож ва унинг қарамоғида бўлиши тақдир қилинган. Жамият ҳаётида аёллар ҳам эркаклар билан баб-баравар ўзига хос ўрин ва мавқега эга. Лекин бугунги кунда аёллар томонидан жиноят содир қилиниши қулоққа чалинганда ана шу эъзоз ва эҳтиром хусусида ўйлаб қоласиз. Хўш, нега хотин-қизлар жиноят кўчасига кириб, ҳатто айрим эркакларни ҳам доғда қолдиришмоқда? Баъзан улар уюшган гуруҳни бошқараётгани нима билан изоҳланади?

Бундан ташқари, маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, аёллар ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш, ўзлаштириш ва растрата қилиш сингари жиноятларга қўл урар экан.

Энг ачинарлиси, ҳаётда учрайдиган баъзи бир уюшган жиноий гуруҳлар аёлларнинг қўли билан ўзларининг қабиҳ ниятларини амалга ошириш пайида бўлади.

Албатта, бундай ҳол содир этилган жиноятни очиш ва жиноятчиларни жазога тортиш масалаларини анча мураккаблаштириб юборади. Чунки уюшган гуруҳ аъзолари аёлларнинг номини қаттиқ сир сақлашади ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Аёллар томонидан жиноят содир қилинишини ҳуқуқшунос олимлар турлича изоҳлайди. Жумладан, ҳуқуқшунос А.Серебрякова маълумотига кўра, давлат ва жамоат мулкини ўзлаштириш, мансабни суистеъмол қилиш орқали мулкни талон-тарож этиш жиноятларида аёлларнинг иштироки энг юқори кўрсаткични ташкил қилар экан.

Яна шуни алоҳида таъкилаш жоизки, фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлик йўли билан талон-тарож қилишда кўпроқ ғайриахлоқий турмуш кечираётган, ичкиликка муккасидан кетган, узоқ муддат мобайнида фойдали меҳнат билан машғул бўлмасдан, ётоқхона, меҳмонхона, савдо дўконлари ва бошқа жамоат жойларида санғиб юрадиган аёллар томонидан содир этилиши эҳтимолга яқинроқдир. Бу фикрнинг исботи тариқасида қуйидаги мисолни келтириб ўтиш жоиз. Ҳамза тумани судида А. ва Д. исмли аёллар устидан кўрилган жиноий иш кўриб чиқилди. Нопок йўлни танлаган бу икки аёл ўзгалар мулкини босқинчилик, талончилик, товламачилик, фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилиб юрган гуруҳнинг аъзолари ҳисобланган. Улар ҳар доим гуруҳда бажарувчи ёки ёрдамчи вазифасини бажариб келган. Аёллар жиноятчилигининг бундай тақсимланиши жиноятчилик оламида маълум даражада барқарорлик сақлаш омили ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Ю.Антонян аёллар аксарият ҳолларда фирибгарлик, товламачилик, талончилик каби жиноятларга қўл уришини таъкидлайди. Айниқса, фирибгарликка қўл уриб, жиноят содир этаётган аёллар кўпроқ учрайди. Фирибгарлик олдиндан пухта ўйланиб, ўзаро келишиб олинади. Шунинг учун ҳам, жиноят юз бергандан кейин жабрланувчига етказилган зарар миқдори, жиноятни очиш ва тергов қилиш ғоят чигаллашади. Бундай жиноятларни содир этадиган шахсларда олдиндан сезувчанлик, калаванинг учини чувалтиришда устомонлик ва ҳийлагарлик йўли билан алдаб кетиш каби сифатлар анчагина кучли намоён бўлади.

Яна шуни айтиш керакки, махсус ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, эркаклар ҳам қатнашган гуруҳ таркибида фирибгарлик қилган аёллар одатда ташкилотчи ёки бажарувчи сифатида иштирок этади. Масалан, Тошкент шаҳар уй-жой жамғарма банкида раҳбар лавозимида ишлайдиган Д.исмли аёл ўз мансаб ва хизмат мавқеидан фойдаланиб, қўл остида ишлайдиган тўрт нафар ходими билан кўпгина шахслар ишончини қозониб, улардан биринчи маротаба тўланадиган 20 фоизли пул маблағини олиб, қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб берган. О. исмли аёл эса фирибгарлик жиноятини содир қилишда ташкилотчи вазифасини бажарган. Жумладан, жиноятда иштирок қилган аёллар талончилик вақтида қулай шароит яратиши, маслаҳатлар бериши, қўлга киритаётган буюм-ашёларни яшириши, жиноят қуролларини йўқ қилиш ишларини бажариши мумкин.

Ҳозирги вақтда ҳаётда вояга етмаган қизлар томонидан содир қилинган жиноятлар учраб турибди. Бугунги кунда жазо муддатини ўтаётган хотин-қизларнинг аксариятини ўғирлик, босқинчилик ва талончиликда айбланганлар ташкил қилади.

Бундан ташқари, бундай жиноят турининг ортишига ҳали вояга етмаган баъзи қизларнинг уйидан чиқиб кетиши ва ёмон йўлларга кириб қолиши сабабли рўй бераётгани аниқланган. Бунинг яна бир сабаби оиладаги носоғлом муҳитга бориб тақалади. Чунки ҳаётда бевақт қоқилиб, жиноятга қўл урган бундай аёлларни турмуш тарзига назар ташласак, аввало, улар оилада етарли тарбия олмаганини кўрамиз.

Аёл жиноятчилиги ҳақида гап кетганда, шуни айтиш жоизки, бу ҳол муайян бир мамлакат ёки миллатга хос ҳодиса эмас. Дунёдаги деярли барча давлатларда бундай салбий ҳолат учраб туради. Фақат жазо тайинлаш масаласида фарқ мавжуд.

Кўпгина хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, маҳкума хотин-қизларга жазо тайинлашда тарбиялаш ва ахлоқни тузатиш масаласи биринчи ўринда туради. Жумладан, АҚШда биринчи маротаба жиноят содир қилган маҳкума хотин-қизларга жазо тайинлашда интенсив назорат синов жазолари қўлланилади.

Жазо ўташнинг бундай тури воситасида етказилган зарарни ундириш, яъни жабрланувчига етказилган зарарни тўлаб, ўз иши ёки ўқишини давом эттираверишн мумкин. Энг асосийси, жиноятга қўл урган маҳкумалар оиласи, фарзандларидан ажралмайди. Агар чуқурроқ мулоҳаза юритсак, бунинг тарбиявий аҳамияти жуда катта эканлигига амин бўламиз.

Японияда ҳам жиноятга қўл урган аёлларга нисбатан шундай муносабатни кўриш мумкин. Мазкур мамлакатда ҳам аёллар жазо ўташнинг интенсив назорат синовига тўла амал қилинади. Шунингдек, давлат бу соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Бундан ташқари, Японияда турмаларни хусусийлаштириш, ярим очиқ типдаги пенитенциар ҳисобланмайдиган муассасалар тармоғини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Давлат ҳуқуқий тизими моҳият-эътиборига кўра жиноят содир этган ҳар бир шахс устидан ижтимоий назоратни кучайтириш, аммо маҳкум ёки маҳкуманинг шахсига тегмаслик, (жиноятчи деган тамғани) “стигматизация”ни имкон қадар камайтириш, умуман айтганда, ҳеч кимни жамиятдан ажратиб қўймасликка қаратилгани билан аҳамиятга моликдир.

Буюк Британия ва Германия давлатларида ҳам жиноят содир этган аёлларга нисбатан шундай муносабатни кўриш мумкин. Энг муҳими, айни шу масаланинг амалий ижроси турли хилдаги дастурлар ишлаб чиқилган.

Бугун биз ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз, жиноят содир этган аёлларга нисбатан жазо тайинлашда шўро замонидан қолган баъзи бир иллатларга барҳам беришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Айтмоқчиманки, аёллар жиноятчилигини олдини олиш борасида махсус давлат дастури ва алоҳида қонун ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қонуннинг асосий мақсади ва вазифаси аёллар томонидан содир қилинган жиноятларнинг олдини олишда масъул шахсларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жазо тайинлаш усуллари, аёлларни тарбиялаш ва ахлоқни тузатиш ишлари, жазони интенсив назорат синов тариқасида ўташ тартибини ташкил қилишга йўналтирилади.

**Саломат НИЁЗОВА**

*Митти маслаҳат*

# НИКОҲ ҚАЧОН ТУЗИЛАДИ?

Қонунчилигимиздаги Оила Кодексини қабул қилишда мамлакатимиз аҳлининг ўзига хос жиҳатлари, урф-одатлари, шунингдек, жаҳон қонунчилигининг айрим ибратли томонлари ҳисобга олинган. Ушбу Кодексда никоҳ тузишнинг тартибу шартлари ҳам аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб берилган.

Лекин агар эътибор берадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бўлажак келин-куёвлар никоҳдан ўтиш ҳақида ариза берган вақт, яъни ўша тўй кунидаёқ қайд қилинишига кўпроқ уринишмоқда. Бу эса уларнинг қонунчиликда бунинг айрим қонуний тўсиқлари мавжудлигини билмасликларидан келиб чиқаётир. Хўш, булар қандай тўсиқлар?

Оила Кодексининг 13-моддасига эътибор берадиган бўлсак, ушбу модданинг 3-хатбошисида никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг тегишли ФХДЁ идорасига ариза берганларидан кейин 1 (бир) ой муддат ўтгач, амалга оширилиши белгиланганлигини кўрамиз. Фақат узрли сабаблар бўлгандагина ФХДЁ идораси 1 (бир) ой ўтгунга қадар ҳам никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

Юқоридаги бир ойлик муддатнинг қонун йўли билан белгиланиши бежиз эмас, албатта. Амалиётдан маълум бўлмоқдаки, айрим бўлажак келин-куёвлар шу муддат ичида бир-бирларига мос эмасликлари ёки баъзи ички касалликлар, характернинг тўлиқ намоён бўлиши-ю, бу ҳолатнинг томонлардан бири ёки ҳар иккаласига ёқмаслиги ва бошқа кўплаб сабаблар туфайли ўз фикрларидан қайтишиб, никоҳ тузиш учун беришган аризаларини қайтариб олмоқдалар. Яъни уни ижро қилмаслик ҳақида мурожаат қилмоқдалар.

Афсуски, бундай ноxуш далиллар учраб турибди. Шу сабабли қонунчилигимиз томонидан никоҳланувчиларга бир ойлик синов муддатининг берилиши асослидир. Аммо Оила Кодексининг 13-моддаси 5-хатбошисига кўра ҳомиладорлик, бола туғилиши каби асосли ва узрли ҳолларда никоҳ тузишга ариза берилган куннинг ўзида ҳам рухсат қилинади. Бунда албатта аризага ҳомиладорлик ҳолатини тасдиқловчи ёки фарзанд туғилганлиги ҳақидаги тиббиёт маълумотномалари ва бошқа зарурий далиллар илова қилиниши шарт.

Фуқаролар никоҳ тузишни сўраб ариза билан мурожаат қилган бўлса-да, уларнинг аризаларини қабул қилмаслик ёки аризани белгиланган муддатда асоссиз ижро қилмаганлик учун ФХДЁ идоралари устидан шикоят билан бевосита суд ёки бўйсунишига кўра юқори турувчи ташкилотга шикоят қилишга ҳақлидирлар. (Оила Кодекси 13-модда, 7-хатбоши).

# ҚАЛБАКИ ҲУЖЖАТНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Фуқаролик шахсини тасдиқловчи М.Раҳматовнинг паспортидан фойдаланиб, унинг сотилиб кетган «Т-28х4» русумли тракторига қалбаки ҳужжат нусхасини тайёрлашиб, унга расмий мақом беришди. Қоржов Махмаровга тегишли бўлган «Т-28х4» МС русумли тракторнинг 289053 рақамли двигатели, лонжерони ва орқа кўприк номерларини ёзиб, “Бошдавтехназорат”нинг 2001 йил 26 март кунидаги 95-1/26 сонли буйруғи билан тасдиқланган ТМ-1 шаклидаги 2001 йил 22 ноябр санаси билан нотариал идорасида тасдиқлаб олиш учун М.Раҳматов сотувчи ва харид қилувчи Қ.Махмаров номига сохта ҳужжатни тайёрладилар. Сўнгра унга Сариосиё туман давлат инспекцияси муҳрини босиб, қалбаки ҳужжат ҳолатига келтиришди. Ушбу тайёрланган сохта шартнома ҳужжати Узун туман нотариал идорасида фирибгарлик йўли билан тасдиқлашга ҳам эришилди.

Қарабсизки, нотариал идораси томонидан сотувчи М.Раҳматов, олувчи Қ.Махмаровлар ўртасида «Т-28х4» русумли трактор 50 минг сўмга сотилганлиги ҳақидаги олди-сотди шартномаси тасдиқланиб, расмий ҳужжат мақомини олгач, 2001 йил 21 ноябр кунидаги 6-сонли тўлов ҳужжати билан 20.580 сўмлик давлат божи ҳам тўланди.

Фирибгарларнинг иши хамирдан қил суғургандек ҳал қилингач, қалбаки ҳужжат тайёрлашда Сариосиё туман давлат инспекциясининг бўлим бошлиғи Н.Холниёзов Т.Абраевдан хизматлари учун ваъда қилинган 65 минг сўмни қуртдек санаб олди.

— Туя кўрдингми, йўқ, — дея хайрлашган бўлди Н.Холниёзов. — Ана энди, дўстим, бу ёғи ўзингизга ҳавола.

Тоштемир Абраев қалбаки ҳужжатни қўлга киритгач, Қ.Махмаров номига расмийлаштирилган тракторнинг техник ҳужжатларини кўрикдан ўтказиш учун Қ.Махмаров номидан ўзи ариза ёзиб, унга имзо чекди-да, сўнг «Т-28х4» МС русумли трактор 3-шаклдаги техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги далолатномаларга қалбаки имзолар қўйиб, техник паспортни ҳам чўнтагига жойлаганича ўзаро келишилган яна 100 минг сўмни бетоқат кута бошлади.

Эрталаб соат саккизлар чамаси идорага кириб келган Раҳматулло Ортиқовни хушчақчақлик билан кутиб олган Т.Абраев бирдан сўзлай бошлади.

— Мана, иним, тракторингизнинг ҳужжати тайёр. Ҳатто техник кўрикдан ўтказиб қўйдим. Энди келишганимиздек, қолган 100 мингни берсангиз, трактор ҳужжати қуш каби қўлингизга қўнади, — деди давлат муҳандиси Тоштемир Абраев.

Аммо унинг қувончи узоққа бормади. Пора олаётган пайтда нафси ҳакалак отган муҳандис тумшуғидан илиниб қолди...

**Собир ЁДИКОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***— Ё ичишни ташлайсиз ё кўздан ажраб, кўр бўлиб қоласиз. Танланг ўзингиз, — деб таъкидлади врач беморга.***

***— Биласизми, доктор, мен кекса одамман, назаримда кўрадиган нарсанинг ҳаммасини кўриб бўлдим, шекилли.***

* * *

***Бир аёл психиатрдан одамнинг носоғлом ёхуд соғломлигини қандай аниқлашни сўрапти.***

***— Бундан осон нарса йўқ, хоним. Шундай бир савол бермоқ керакки, соғлом одам унга жавоб беришга сира қийналмасин. Масалан, маълумки, капитан Кук ер курраcини уч марта айланиб чиққан. Шу сафарларидан бирида у ҳалок бўлган. Қани, айтинг-чи, қайси сафари давомида ҳалок бўлган у?***

***Аёл анчагача нималарнидир ўйлаб туриб, асабийлашган ҳолда жавоб берди:***

***— Бошқа бирон саволни айтсангиз тузук бўларди. Эътироф этишим керакки, тарих масалаларида бўшман***


**ЭЪЛОН**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2002 йил 5 мартдаги 10-0208\536-сонли ҳал қилув қарорига асосан Давлат бюджетидан қарздор “Ихтиёр” акциядорлик жамияти бўйича ишончли шахс этиб Д.Тўлаганов тайинланган. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 1-қават, 38-хона.**
**Мурожаат учун телефонлар: 137-51-75**



1996 йилнинг январидан нашр этилади
**ИНСОН ва ҚОНУН**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

**Бош муҳаррир Шодиқул ҲАМРОЕВ**



**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Холли НОРБОЙ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ



**Индекс: 646882**

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 0.00

Навбатчи: Б. РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер оператори: М. ДЎСТОВА

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65**



Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.